

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси
институти**

**«Информацион ва педагогик
технологиялар» кафедраси**

Маърузани тузувчи: катта уқитувчи ЮНУСОВА М.Д.

**«Тажриба маълумотларини статистик кайта
ишлаш» фанидан**

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

**«Касбий таълим» факультетининг «МААТ» мутахассислиги
талабалари учун (IV – уқув семестри)**

Б У Х О Р О - 2002

Мазкур «Тажриба маълумотларини кайта ишлаш» фанидан маърузалар матни «Касбий таълим» факультети «МААТ» мутахассислиги талабалари учун мулжалланган. Маъруза матни 40 соатлик маъруза дарсига мулжалланган.

Маърузани тузувчи: «Информацион ва педагогик технологиялар» кафедраси катта уқитувчиси ЮНУСОВА М.Д.

Такризчилар: Бух ТИ «Информацион ва педагогик технологиялар» кафедраси доценти Убайдуллаева Д.Р.

2002 йил 28 августда «Информацион ва педагогик технологиялар» кафедраси 1-сон мажлисида муҳокама килинди ва маъқулланди.

Институт Уқув услубий кенгашида тасдиқланди. (Баён № ____ 2002 й)

АННОТАЦИЯ

Мазкур фан «Муаллимчилик, информатика ва ахборот технологиялари» мутахассислиги талабаларига утилади. Фаннинг асосий маълумотлари 40 соатлик дарсга мулжалланган маъруза матнларида берилган. Маъруза матнлари уз ичига ўчта катта мавзунини олган.

1. Мавзу «Тажрибалар ва улар тугрисидаги умумий маълумотлар» хакида. Бу мавзуга 4 та маъруза киради.

2. «Тажриба маълумотларини дастлабки кайта ишлаш мақсадлари ва босқичлари» мавзусида эмпирик таксимотнинг статистик курсаткичлари, купол хатоларни саралаш, таксимот нормаллиги башоратини текшириш, таксимотни нормал қуринишга келтириш тугрисида гап боради.

3. Мавзу «Боглиқликларнинг регрессияли-корреляцияли тахлили»га бағишланган.

Хар бир маъруза бошида маъруза режаси, матн охирида эса шу маърузага тегишли таянч иборалар ва назорат саволлари берилган. Бундан ташқари маъруза матнлари сунгида мавзуларни ўзлаштириш билан боглиқ бўлган 11 та илова жадваллар ва маърузаларни ўзишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ РЕЖАСИ

I мавзу : Тажрибалар ва улар тугрисида умумий маълумотлар

1 – маъруза. Илмий тажрибаларнинг умумий тавсифи ва синфлари

2 – маъруза. Тажриба маълумотларини кайта ишлашнинг режимлари ва асосий боскичлари.

3 – маъруза. Асосий статистик усуллар тугрисида умумий маълумотлар. Дастлабки кайта ишлашнинг асосий масалалари.

II мавзу. Тажриба маълумотларини дастлабки кайта ишлаш мақсадлари.

4 – маъруза. Эмпирик таксимотнинг статистик курсаткичлари

5-маъруза. Купол хатоларни саралаш

6 – маъруза. Таксимот нормаллиги башоратини текшириш

7 – маъруза. Таксимотни нормал куринишга келтириш

III мавзу. Богликларнинг регрессияли-корреляцияли тахлили.

8-маъруза. Курсаткичларнинг богликлик турлари.

9- маъруза. Регрессияли корреляцияли тахлилнинг асосий тушунчалари.

10-маъруза. Чизикли интерполяция. Богликлик регрессия тенгламасини тузиш.

11-маъруза. Жуфт корреляция коэффициенти ва корреляция нисбати.

12-маъруза. Энг кичик квадратлар усули.

13-маъруза. Регрессия коэффициентларининг ҳаққонийлигини баҳолаш.

14-маъруза. Оптимал богликлик тенгламасини танлаш.

15-маъруза. Куп факторли тупламлар.

16-маъруза. Жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси

17-маъруза. Туплам регрессияси тенгламасини тузиш.

18-маъруза. Хусусий корреляция ва туплам корреляцияли богликликларни баҳолаш.

19-маъруза. Ранглар корреляцияси.

20-маъруза. Атрибутив курсаткичлар уртасида богликлик зичлигини аниклаш.

I МАВЗУ :

ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАР ТУГРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР **1 – Маъруза. ИЛМИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА** **СИНФЛАРИ**

Маъруза режаси :

1. Тажрибаларни утказиш сохалари.
2. Тажриба моделини ишлатиш максадлари.
3. Тажрибани бажариш тартиби.
4. Тажрибаларни утказиш тартиблари.
5. Урганилаётган объект турига кура тажриба турлари.
6. Тажриба турларини утказиш шароитлари.
7. Тажрибаларни синфларга булиш белгилари.
8. Кенг ва тор маънода тажриба натижасининг моҳияти.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Тажрибалар фақат табиий ва техник фанларнинг ҳамма сохалари бўйича янги билимлар олишнинг қувватли воситаси бўлиб қолмасдан балки, иқтисод, социология, сиёсат, ҳарбий ишда, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва янги техникадан фойдаланишни такомиллаштиришда ҳам зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Уларнинг салмоги тухтовсиз устб бормокда, тажрибаларни бажаришга борган сари илмий ва мухандис – техник ходимларнинг кенг доираси тортилиб бормокда.

Хар кандай тажрибанинг асосий боскичларидан бири тажриба маълумотларини кайта ишлашдир. Бу боскич урганилаётган объект ёки ходисанинг математик моделини тузишга қаратилган. Тажриба максадига қура (тадқиқот, бошқариш, назорат) бу модел ҳар хил йуналишларда ишлатилиши мумкин (предмет мазмуний таҳлилида, физик, эконометрик ва бошқа моделларни тузишда, объект ёки ходиса ҳолатини прогноз қилишда, уни бошқариш ёки параметрларини оптималлашда, ҳолат ёки иш бажариш қобилиятини назорат қилишда ва бошқаларда).

Кейинги йилларда тажриба утказувчиларнинг маълумотларни кайта ишлашнинг статистик усуллари урганиш ва уларни кенг қўллашга эътиборлари ошди. Бу бир томондан тажрибалар утказиш сифати ва тежамлилигига бўлган талабнинг ўсишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан шахсий компьютерларнинг қўлайлиги билан уларнинг тажриба воситалари, ўлчов тизимларига ялпи қўллаш имкониятининг пайдо бўлишига боғлиқ.

Ҳар бир тажриба ўқ қисмдан иборат: урганилаётган ходиса (жараён, объект), шароит ва тажрибани утказиш имкониятлари. Тажрибалар бир неча боскичларда олиб борилади:

- тадқиқ қилинаётган жараёнга предмет – мазмуний урганиш ва мавжуд ахборотлар асосида уни математик ифодалаш, тажрибани утказишнинг шартлари ва воситаларини таҳлил қилиш ҳамда аниқлаш;
- тажрибани утказиш ва урганилаётган объектнинг қўзғатишни энг самарали режимда олиб боришни таъминлайдиган шароит яратиш;
- тажриба натижаларини йиғиш, қўйилган утказиш ва математик қайта ишлаш, қайта ишлаш натижаларини керакли қўйилишда тавсия этиш;
- тажриба натижаларини батафсил таҳлил қилиш ва тушунтириш;

- тажриба натижаларини куллаш, объект ҳолати тугрисида қарор қабул қилиш, моделни прогноз, бошқариш ёки оптимизация ҳамда бошқаларда куллаш.

Урганилаётган объект (ҳодиса) турига қура тажрибалар бир неча синфларга бўлинади: физик, муҳандислик, тиббий, биологик, иқтисодий, социологик ва бошқалар. Физик ва муҳандислик тажрибаларини утқазиларнинг умумий масалалари энг чуқур ишлаб чиқилган. Бу тажрибаларда қури бераётган жараёнларнинг табиий ва сунъий физик объектлари (қурилмалари) урганилади. Қоидага қура уларни утқазилда тадқиқотчи бошланғич шароитларда физик микдорларни улчаларни бир неча марта такрорларлар, қиритилувчи узғарувчиларнинг қерақли қийматларини беришлар, уларни қенг соҳада узғартиришлар, шу вақтда боғлиқлиғи урганилмаётган қурсатқичларни олиб ташларлар еки, ақсинча, қиритишлар мумкин. Бошқа синф масалаларида шунга ухшаш имқониятлар қегараланган. Хусусан, эқонометрик тажрибаларга тажриба маълумотларининг қичик ҳажми, шунга ухшаш шароитларда тажрибаларни такрорларлар имқониятининг йуқлиғи, қатта микдордағи бошқариб ва назорат қилиб бўлмайдиган факторларнинг таъсири ҳосдиқ. Шунга қарамай, физик ва муҳандислик тажрибаларини утқазилда ишлатиладиган баъзи бир усуллар, масалан, маълумотларни статистик қайта ишларлар, техник бўлмаган масалаларда ҳам муваффақият билан қулланилишлар мумкин.

Тажрибаларни қуйидағи белгиларига қура синфларга бўлиш мумкин:

- тажрибанинг бевосита ишлатилаетган объектга, яъни янғи ахборот олинишлар қерақ бўлган объектга нисбатан яқинлик даражасига қура (табиий, қурғазмалар ёки полигонлар, моделлар, ҳисобларлар тажрибаларлар);
- утқазиллар мақсадларига (тадқиқот, синов ёки назорат, бошқариш-оптималларлар, йуналтиришлар) қура;
- тажрибаларни утқазиллар шароитларига таъсир даражасига қура (пассив ва актив тажрибаларлар);
- инсоннинг иштирок этишлар даражасига қура (автоматлаштирилмаган - тажрибаларларни утқазиллар шароитларни узғартирувчи ва яратувчи, тажриба

маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашда қўлловчи, автоматик, автоматлаштирилган воситалар).

Кенг маънода тажриба натижалари бўлиб тажриба маълумотларини (тажрибаларнинг боришида олинadиган бевосита улчаш натижаларини) назарий таҳлиллаш, тадқиқотчини қизиқтирувчи ходисаларни айтиб беришга имкон берувчи сабаб – оқибат боғлиқликлари ва қонунларини урнатиш, уларнинг керакли ёки энг яхши йўналишларда бориши учун шароитларни (таъсирларни) танлаш ҳисобланади.

Тор маънода тажриба натижаси бўлиб жараён ёки ходиса узгарувчилари уртасидаги функционал ёки тасодифий боғлиқликларни урнатувчи математик моделни яратиш тушунилади. Айнан ана шу натижага эришиш учун яхши ишлаб чиқилган маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усуллари хизмат қилади. Тажриба бориши натижасида олинган модел фан шу соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи зарурий, лекин етарли бўлмаган шартидир. Бу фанларнинг нотехник тармоқларига алоҳида даражада тегишлидир. Хар хил микдорлар ёки жараёнлар уртасида аниқланган статистик алоқалар сабаб боғлиқликларига мос келмаслиги мумкин. Қўзатилаётган микдорлар уртасидаги сабаб муносабатларининг борлиги тунрисидаги масала тадқиқотчи томонидан тажрибани предмет – мазмуний таҳлил асосида ҳал қилиниши керак.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Тажриба.

Тадқиқотчи.

Тажриба объекти, ходисаси, жараёни.

Тажриба маълумотлари.

Тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш

Тажриба натижаси.

Математик модел.

Тажрибани утказиш имкониятлари

Тажриба шароити.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тажрибалар қаерларда ва нима мақсадларда утказилади?
2. Тажрибаларни утказишга нима учун эътибор ушиб бормокда?

3. Тажриба маълумотларини қайта ишлаш боскичида эътибор нимага қаратилган?
4. Тажриба модели нима максадда ишлатилади?
5. Тажриба қандай қисмлардан иборат?
6. Тажриба қандай тартибда утказилади?
7. Урганилаётган объект турига қура тажриба қандай турларга бўлинади?.
8. Тажриба турларини утказишнинг қандай шароитлари бор?
9. Тажрибаларни синфларга бўлишнинг қандай белгилари мавжуд?
10. Кенг ва тор маънода тажриба натижасининг моҳияти нимадан иборат?
11. Микдорлар уртасидаги сабаб муносабатларининг борлиги қандай ҳал қилинади?

2 – маъруза ТАЖРИБА МАЪЛУМОТЛАРИНИ КАЙТА ИШЛАШНИНГ РЕЖИМЛАРИ ВА АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ.

Маъруза режаси :

1. Тажриба маълумотларини кайта ишлашнинг асосий вазифалари ва боскичлари.
2. Тажриба натижаларини статистик кайта ишлаш режимлари.
3. Маълумотларни статистик кайта ишлаш усуллари танлаш шартлари.
4. Маълумотларни статистик кайта ишлаш воситаларини танлаш шартлари.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Замонавий тажриба утказувчи эга булиши керак булган воситалар ичида маълумотларни тахлил килиш ва кайта ишлашнинг статистик усуллари алохида урин тутди. Бу хар кандай ихтиёрий, етарли даражада мураккаб булган тажриба натижасини тажриба маълумотларини кайта ишламасдан туриб олиб булмаслигини билдиради.

Тажриба маълумотларини кайта ишлашнинг асосий вазифалари ва боскичлари куйидагилар:

1. Тажрибани мазмунли тахлил этиш, тажриба маълумотлари манбаининг дастлабки эхтимоллик моделини тузиш (тадқиқот объекти, воситалари, тажриба утказиш шароитлари моделлари).

2. Тажриба режасини тузиш, хусусан, эрки узгарувчи кийматларини аниклаш, тест сигналларини танлаш, кузатиш хажмини баҳолаш, шунингдек тажриба маълумотларини статистик кайта ишлашнинг усулларини танлаш.
3. Бавосита тажрибаларни утказиш, тажриба маълумотларини йиғиш, уларни руйхатдан утказиш ва ЭХМ га киритиш.
4. Дастлабки статистик кайта ишлаш. Бу боскич биринчи навбатда тадқиқот объекти стохастик моделини тузиш учун танланган статистик усул асосида ётган шартларни текширишга, шунингдек, зарур бўлганда, дастлабки моделни тахрирлаш ва ечимни узгантиришга қаратилган.

Дастлабки кайта ишлаш вақтида, одатда, хусусий масалалар ечилади: кузатилаётган микдор ва бошқаларнинг ҳатоликлари ва чегарадан чикувчи улчамлари йукотилади, таҳлил қилинади, тушириб қолдирилган улчамлар тикланади, улчов маълумотлари зичланади (бир жинслик текширилади, бир улчамлилар бирлаштирилади, маълумотлар гуруҳланади, улчанаётган маълумот параметрлари баҳоланади), тақсимот қонунлари тадқиқ қилинади.

1. Тажриба маълумотларини кейинги статистик таҳлил қилишнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш.
2. Тадқиқот объектининг моделини тузишга ва унинг сифатини статистик таҳлил қилишга қаратилган тажриба маълумотларини хусусий статистик кайта ишлаш (иккиламчи, тула, натижавий кайта ишлаш). Баъзан шу босқичнинг узида, масалан, объектга оптимал бошқарувчи таъсирни аниқлашда, унинг ҳолатини экстраполяция қилишда тузилган моделни ишлатиш масаласи ечилади.
3. Тажриба натижаларини расмий – мантикий ва мазмуний тушунтириш, тажрибани давом эттириш ёки тугатиш тугрисида қарор қабул қилиш, тадқиқот натижаларини яқунлаш.

Тажриба натижаларини статистик кайта ишлаш икки асосий режимда амалга оширилиши мумкин.

Биринчи режимда аввал тажриба маълумотлари тула хажмда йигилади ва руйхатдан утказилади, шундан кейингина қайта ишланади, бу тула (белгиланган) хажмни танлаш буйича ахборотларни қайта ишлаш дейилади. Маълумотларни таҳлил қилиш статистик усуллариининг ҳаммасидан фойдаланиш имкониятиниининг борлиги, натижада улардан энг куп тула тажриба ахборотининг олиш мумкинлиги бу режимнинг афзаллиги булиб ҳисобланади. Лекин бундай қайта ишлашга кетадиган вақт истеъмолчини каноатлантирмаслиги, бундан ташқари уни амалга оширишда ЭХМ хотираси сигимига каттик талабнинг қуйилиши, тажрибанинги боришини умуман бошқариб бўлмаслиги мумкин.

Қайта ишлашнинг иккинчи режимда кузатишлар уларни олиб бориш билан параллел утказилади. Қайта ишлашнинг бу тури маълумотларни кетма – кет қайта ишлаш билан ушиб бораётган хажмини танлаш дейилади. Бу режимда хотира сигимига талаблар сезиларли камаяди, тажриба натижаларини экспресс таҳлил қилиш ва унинг боришини тезкор бошқариш имкониятлари тугилади. Қоида буйича, фақат шундай – вақтнинг “реал” масштаблари деб аталувчи холидагина маълумотларни қайта ишлашни амалга ошириш мумкин бўлади. Қайта ишлашнинг бу режими рекуррент алгоритмларни қуллашга асосланган. Тадқиқот объекти тугрисидаги бошлангич ахборот хажмига каттик боғлиқлиги ходисанинги энг аниқроқ моделини ҳосил қилиш максатида статистик таҳлил қилиш усуллариини узгартириш имкониятларининг камлаги бу режимнинг камчилиги булиб ҳисобланади.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллариини танлашда ишлатилаётган ҳисоблаш алгоритмларининг самарадорлигини таҳлил қилиш зарур. Бунда алгоритмнинг сифати олинаётган ечимнинг турғунлиги ва аниқлиги, хотиранинги зарурий сигими ва ҳисоб воситаларининг тезкорлиги , алгоритмнинг универсаллиги ва бошқалар билан тавсифланиши мумкин.

Мухим статистик усулларни (регрессияли, дисперсияли, факторли) амалга оширишда ишлатиладиган ҳисоблаш алгоритмларининг асосини чизикли тенгламалар системасини ечиш усуллари ташкил қилади. Ишлаб чиқиладиган

ёки ишлатилаётган алгоритмлар ва ҳисоблаш дастурларини асосли танлаш ёки уларнинг имкониятларни баҳолаш учун уларнинг моҳияти кучли ва кучсиз томонлари тугрисида тасаввурга эга бўлиши керак.

Одатда ҳар хил синфлардаги замонавий ЭХМлар тажриба натижаларини статистик қайта ишлашнинг ҳамма асосий масалаларини ечишга имкон берадиган ва тегишли ҳисоблаш процедураларини амалга оширадиган етарли даражадаги тула дастур таъминотига эга. Шунинг учун куп ҳолларда тадқиқотчига, утказилаётган тажрибада маълумотларни қайта ишлашнинг дастурини тула ишлаб чиқишга зарурият бўлмайди, бунда малакали дастурчи маълум дастурни ишлаб чиқиши ва фойдаланувчи шу стандарт ички дастурга мурожаат этиши етарли. Лекин статистик ва ҳисоблаш процедураларидан, уларнинг моҳияти ва имкониятларини тушунмасдан кур – курона фойдаланиш мавҳум натижаларги олиб келиши ва бу самарали усулларнинг аҳамиятини камайтириши мумкин.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Маълумотларни таҳлил килиш.

Маълумотларни статистик кайта ишлаш.

Эхтимоллик моделлари.

Тажриба режаси.

Тажриба маълумотлари йигиш, руйхатдан утказиш, бирламчи (дастлабки) кайта ишлаш.

Хусусий статистик кайта ишлаш.

Кайта ишлаш режимлари.

Кайта ишлаш алгоритмлари.

Хисоблаш дастурлари.

Замонавий ЭХМлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тажриба маълумотларини таҳлил килиш ва статистик кайта ишлаш усулининг ахамияти.
2. Тажриба маълумотларини кайта ишлашнинг асосий вазифалари ва боскичлари нималардан иборат?
3. Тажриба натижаларини статистик кайта ишлашнинг кандай режимлари мавжуд?
4. Маълумотларни статистик кайта ишлаш усулларини танлашнинг кандай шартлари бор?
5. Маълумотларни статистик кайта ишлашда қайси воситалар танланади?
6. Тажриба маълумотларини кайта ишлашда ҳисоблаш алгоритмлари ва дастур таъминоти кандай роль уйнайди?

3 – маъруза. АСОСИЙ СТАТИСТИК УСУЛЛАР ТУГРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР. ДАСТЛАБКИ КАЙТА ИШЛАШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ.

Маъруза режаси:

1. Математик статистиканинг асосий қисмига таянган усуллар тугрисида умумий маълумотлар.
2. Корреляцияли таҳлил ҳақида умумий тушунчалар.
3. Дисперсион таҳлил ҳақида умумий тушунчалар.
4. Регрессияли таҳлил ҳақида умумий тушунчалар.
5. Факторли таҳлил ҳақида умумий тушунчалар.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Тажриба маълумотларини қайта ишлаш масалаларини ечишда математик статистиканинг икки асосий қисмига таянган усуллардан фойдаланилади. Бу усулларга тажриба моделини баён этишда ишлатиладиган номаълум параметрларни статистик боҳолаш назарияси ва таҳлил қилинаётган моделнинг табиати ёки параметрлари ҳақидаги статистик башоратларни текшириш назарияси қиради.

Тажриба маълумотларини кайта ишлашда, энг биринчи навбатда, муҳандислик ва физик тажрибаларда кенг қулланиладиган қуп улчовли статистик таҳлилнинг асосий усуллари:

- корреляцияли таҳлил;
- дисперсион таҳлил;
- регрессияли таҳлил;
- факторли таҳлил қиради.

Корреляцияли таҳлил.

Бу таҳлилнинг моҳияти икки ва ундан ортиқ тасодифий миқдорлар уртасидаги боғлиқлик эҳтимоллиги (одатда қизикли) даражасини аниқлашдан иборат. Бундай тасодифий миқдорлар тупламага бошланғич эркли узгарувчилар, шунингдек натижавий (эрксиз) узгарувчи қиради. Охири ҳолда корреляцияли таҳлил натижавий факторга энг салмоқли таъсир этувчи факторлар ёки регрессорларни (регрессияли моделда) танлаб олишга имкон беради. Танланган миқдорлар кейинги таҳлилда, хусусан, регрессияли таҳлил утқизишда ишлатилади. Корреляцияли таҳлил узгарувчилар уртасидаги олдиндан номаълум бўлган сабаб-натижа боғлиқликларини аниқлашга ёрдам беради. Бунда узгарувчилар уртасидаги корреляциянинг борлиги сабаб боғлиқликлари мавжудлигининг факат зарурий, лекин етарли бўлмаган шартидар.

Тасодифий миқдорлар уртасидаги қизикли боғлиқлик мавжудлиги эҳтимолини корреляция коэффиценти ёки корреляция нисбати курсатади. Маълумотларнинг таксимот қонунига боғлиқ равишда бу курсаткичларни аниқлашнинг ҳар хил усуллари бор. Тажриба маълумотларини қайта ишлаш масалаларига нисбатан корреляцияли таҳлил дастлабки қайта ишлаш босқичида ишлатилади.

Дисперсион таҳлил.

Бу усул (усуллар гуруҳи) сифат факторларига боғлиқ бўлган тажриба натижаларини қайта ишлашда ва факторларнинг қузатиш натижаларига таъсир қучини баҳолашда ишлатилади. Унинг моҳияти натижавий узгарувчи

дисперсиясини хар бири у, ёки бу факторнинг шу узгарувчига таъсирини тавсифловчи бир нечта эркин таъкил этувчиларига ажратишдан иборатдир. Бу узгарувчиларни таккослаш факторлар таъсир кучини бахолашга имкон беради.

Мухандислик ва физик тажрибаларни утказишда дисперсион тахлил одатда буйсунувчи рол уйнайди. У, масалан, бошлангич кайта ишлаш боскичида тажриба маълумотларининг бир жинслилиги тугрисидаги башоратни, регрессияли тахлилда эса, хосил булган моделнинг хакконийлигини текширишда ишлатилади.

Регрессияли тахлил.

Бу тахлил усуллари микдорий натижавий ва фактор узгарувчиларни богловчи моделнинг параметри хамда таснифини урнатишга, шунингдек унинг тажриба маълумотлари билан мос келиш даражасини бахолашга ердам беради. Статистик тахлилнинг умумий куриниши кузатилаётган ва натижавий узгарувчилар микдорий булган холда тажрибанинг бош масаласини ечишга имкон беради ва бу маънода шу турдаги тажриба маълумотларини кайта ишлашда асосий булиб хисобланади.

Факторли тахлил.

Бу тахлил узаро кучли коррелирланган ва моделда ишлатилаётган “ташки” факторлар ва оз сондаги “ички” факторлар билан алмаштирилиши кераклиги ёки керакмаслигини аниклайди. Бу “ички” факторларни улчаш кийин ёки мумкин эмас, лекин улар “ташки” факторларнинг табиатини шу билан натижавий узгарувчилар табиатини аниклайди. Факторли тахлил, маълум маънода, башоратларнинг гипотетик моделлари, улар структураларининг пайдо булиши манбаи булиб хисобланади. Факторли тахлил узгарувчиларнинг узаро богликлик структурасини олдиндан билмасдан ёки у тугрида хеч кандай бошлангич маълумотга эга булмасдан туриб богликликнинг структураси тугрисидаги башоратларни олдинга суриш имконини беради. Бу структура кузатишлар натижасидан аникланади. Олинган башоратлар кейинги

тажрибаларнинг олиб борилиши билан текширилади Реал мавжуд булган богликликларни етарли аникликда такрорловчи ва аник акс эттирувчи оддий структурани топиш факторли тахлилнинг асосий вазифасидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Корреляцияли тахлил.

Дисперсион тахлил.

Регрессияли тахлил.

Факторли тахлил.

Эрки ва эрксиз узгарувчилар.

Корреляция коэффицieti.

Натижавий ва фактор узгарувчиларни богловчи модел.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Тажриба маълумотларини кайта ишлаш математик статистика асосий кисмининг кандай усулларига таянган?
2. Куп улчовли статистик тахлилнинг кандай асосий усуллари мавжуд?
3. Корреляцияли тахлилнинг мохияти нимада?
4. Дисперсион тахлилда нима ишлар килинади?
5. Регрессияли тахлил нима билан шугулланади?
6. Факторли тахлилнинг мохияти нимада?

II МАВЗУ.

ТАЖРИБА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ КАЙТА ИШЛАШ МАКСАДЛАРИ.

Эмпирик боғлиқликларни тузишда статистик усуллардан самарали фойдаланиш учун тажриба маълумотлари ёки кузатиш натижаларини олдиндан статистик кайта ишлаш зарур.

Курсаткич кийматларини улчаш ёки бошқа сабаблар натижасида пайдо булган купол хатолар, шубхали кийматлардан халос булиш маълумотларни дастлабки кайта ишлашнинг асосий мазмунини ташкил килади.

Улчам натижалари тахсимотининг нормал тахсимот конунига мос келишини текшириш дастлабки кайта ишлашнинг яна бир муҳим моментиدير. Агар бу башоратни куллаб булмаса, унда тажриба маълумотлари кандай тахсимот конунига мос келишини аниқлаш ва, агар бу мумкин булса, бу тахсимотни нормал курунишга келтириш керак. Шу ишларни бажаргандан кейингина эмпирик формулалар тузишга утиш мумкин.

4 – маъруза. ЭМПИРИК ТАКСИМОТНИНГ СТАТИСТИК КУРСАТКИЧЛАРИ

Маъруза режаси:

1. Тажриба маълумотларини дастлабки кайта ишлаш мақсадлари.
2. Урта кийматни ҳисоблаш тартиби.
3. Урта кийматдан берилган киймат фарқини ҳисоблаш тартиби.
4. Дисперсия (иккинчи марказий моментни)ни ҳисоблаш тартиби.
5. Урта квадратик фарқланишни ҳисоблаш тартиби.
6. Ихтиерий тартибли моментларни ҳисоблаш тартиби.
7. Вариация коэффицентини ҳисоблаш тартиби.
8. Статистик курсаткичларни амалий мисолни ечишда куллаб курсатиш.
9. Тенгмас узокликдаги улчам натижалари учун статистик курсаткичларни ҳисоблаш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Бундан кейин ҳамма вақт узлуксиз тақсимланган тасодифий миқдорлар тугрисида гап боришини таъкидлаймиз.

Тасодифий миқдор $X_1, X_2, \dots, X_n$ кузатишларининг чекли катори берилган бўлсин. Кузатилаётган курсаткичнинг **урта кийматини** қуйидаги формула билан ҳисоблаш керак:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i, \quad i = 1, \bar{n} \quad (4.1)$$

$\bar{X}$ – эмпирик ёки танлама урта кийматни билдиради. Бу курсаткичдан фойдаланиб, ҳар бир кузатишнинг **урта кийматдан фарқини** (D_i) топиш мумкин:

$$d_1 = x_1 - \bar{x}, \quad (4.2)$$

Қуйидаги миқдор **дисперсия** ёки эмпирик тақсимотнинг **иккинчи марказий моменти** дейилади:

$$S^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2, \quad (4.3)$$

$$S^2 = m_2,$$

Бир улчамли эмпирик тақсимотда **ихтиёрий тартибли момент** деб, кузатиш натижаларининг ихтиёрий сондан k -даражалари фарқлар: йигиндисининг туплам ҳажми (n) га бўлинган киймати тушунилади:

$$m_k = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - c)^k, \quad (4.4)$$

бу ерда сонлар натурал каторининг ихтиёрий кийматини қабул қилиши мумкин. Агар $C=0$ булса, **момент бошлангич** дейилади. **Биринчи тартибли бошлангич момент** X танлама урта кийматга тенг. Ҳақиқатдан ҳам X ни қуйидаги формуладан топиш мумкин:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - 0)^1, \quad (4.5)$$

бу формула (1.1) формулага тенг қучли, $C = \bar{X}$ да, юқорида айтганимиздек, **момент маркази** булади. **Биринчи марказий момент**:

$$m_1 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^1 = 0, \quad (4.6)$$

Иккинчи марказий момент (4.3) формула еки

$$m_2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2, \quad (4.7)$$

Эмпирик таксимотнинг S^2 дисперсиясини ифодалайди. δ^2 уша назарий таксимот дисперсиясини баҳолашни қуйидаги формула орқали топиш мумкин:

$$S = \sqrt{S^2}; \quad (4.8)$$

$$\bar{S} = \sqrt{\bar{S}^2}, \quad (4.9)$$

бошқа моментлардан **учинчи ва туртинчи моментлар** купрок ишлатилади:

$$m_3 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^3, \quad (4.10)$$

$$m_4 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^4 \quad (4.11)$$

V **вариация коэффицентининг** танлама киймати кузатилаётган тасодикий микдор нисбий узғариши меъёри булиб, қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$v = \bar{S} / \bar{x}. \quad (4.12)$$

Вариация коэффиценти % ларда ҳам ҳисобланиши мумкин:

$$V = \frac{\bar{S}}{\bar{X}} 100\%, \quad (4.13)$$

Таксимот катталиклари танлов кийматларининг танлов туплами тасодикий булгандагина маънога эга булади. Одатда амалиётда $X_1, X_2, \dots, X_n$ тасодикий микдорлар ва уларнинг урта кийматдан фарқи улчов хатоликлари

“табиат хатолик”лари ва х.к.лар таъсирида булади. Уз навбатида, хатоликлар куп факторлар таъсири натижасидир.

Кургазмали мисол сифатида $\bar{X}, S, \bar{S}$ моментлар ва V ни йигирма ёшлик учинчи курс гурух талабаларининг буйини улчаш натижаларини ҳисоблаш билан курсатиш мумкин. Ҳисоблашларни жадвал шаклида (1.1 жадвал) олиб бориш кулай. Одатда математик статистикада ҳамма ҳисоблашлар жадвал курунишида олиб борилади, чунки бу усул кулай, кургазмали, шархлаш ва ҳар бир боскичда ҳисоблашларни текшириш имконини беради.

4.1.жадвал

N п/п	Рост, см	d_i , см	d_i^2	№ п/п	Рост, см	d_i , см	d_i^2
1	2	3	4	5	6	7	8
1	183	+7,34	53,88	31	172	-3,66	13,40
2	170	-5,66	32,04	32	176	+0,34	0,12
3	176	+0,34	0,12	33	167	-8,66	74,99
4	178	+2,34	5,48	34	166	-9,66	93,32
5	176	+0,34	0,12	35	180	+4,34	18,84
6	180	+4,34	18,84	36	183	+7,34	53,88
7	176	+0,34	0,12	37	176	+0,34	0,12
8	185	+9,34	87,23	38	182	+6,34	40,19
9	184	+8,34	69,56	39	178	+2,34	5,48
10	174	-1,66	2,75	40	172	-3,66	13,40
11	168	-7,66	58,68	41	185	+9,34	87,23
12	174	1,66	2,75	42	183	+7,34	53,88
13	189	+13,34	177,95	43	175	-0,66	0,43
14	172	-3,66	13,39	44	174	-1,66	2,75
15	175	-0,66	0,43	45	180	+4,34	18,84
16	167	8,66	74,99	46	166	-9,66	93,32
17	179	+3,34	11,16	47	169	-6,66	44,36
18	176	+0,34	0,12	48	171	4,66	21,71
19	169	-6,66	44,35	49	178	+2,34	5,48
20	178	+2,34	5,48	50	169	-6,66	44,36
21	169	-6,66	44,35	51	170	-5,66	32,04
22	171	-4,66	21,72	52	179	+3,34	11,16
23	170	5,66	32,04	53	171	-4,66	21,72
24	177	+1,34	1,79	54	178	+2,34	5,48
25	176	+0,34	0,12	55	173	-2,66	7,07
26	179	+3,34	11,16	56	177	+1,34	1,79
27	174	-1,66	2,75	Σ	9837	+0,04	1695,90
28	176	+0,34	0,12				
29	188	+12,34	152,27				
30	178	+2,34	5,48				

Маъруза тингловчи жамоани ҳосил қилишда талабаларнинг буйи ҳисобга олинмайди, шунинг учун танловни тасодифий дейиш мумкин. Бу ҳолда купол хато махсус солдат полкларини ташкил қилишда танлов катталикларини

хисоблашда учраши мумкин эди. (3) ва (7) устунлар йигиндиси назарий жихатдан нолга тенг булиши керак (1-тартибли марказий момент), бу эса хисоблашлар тугрилигини текшириш учун оралик боскич булиб хизмат килади. Лекин икки хонали аниклик билан хисобланганда хамма вақт, хисоблашнинг маълум коидаларига (яхлитлаш) риоя килинган булса ҳам, катта булмаган богликмаслик учрайди. 56 талабадан тузилган гурух талабасининг уртача буйи 175,66 см га тенг.

Юкорида айтилган 4.1 жадвал буйича топилган туплам курсаткичларини хисоблаш натижалари 4.2 жадвалда келтирилган.

4.2 жадвал

Таксимотнинг танлов курсаткичлари

$\bar{X}$	S	$\bar{S}$	m_1	m_2	m_3	m_4	V%
175,66	5,50	5,55	+0.04≈0	30,28	45,14	2356,27	3,00

Бу жадвалда урта киймат $\bar{X}$, урта квадратик фаркланишлар S ва $\bar{S}$ туртта моментлар ва V вариация коэффиценти кийматлари келтирилган. Назарий нормал таксимот учун ток моментлар киймати нолга тенг.

4.2 – жадвалдан куришиб турибдики, кузатилаётган курсаткич узгариши нисбий курсаткичи унчалик катта эмас. Туплам хажми усса, V кийматнинг ҳам усишини кутиш мумкин. Амалиётда V нинг катта кийматларини, шу жумладан 33% дан катта кийматларини ҳам учратиш мумкин.

Юкорида айтилганларнинг хаммаси тенг узокликдаги улчамларга ва кузатишларга, яъни нормал таксимот конунига буйсунувчи факат тасодифий хатоликларга эга булган улчамларга тегишли.

Амалиётда, кандайдир курсаткични купрок ишончлирок аниклаш учун турлича келиб чиккан, хар хил асбоблар ва усуллар билан бажарилган улчамларни туплашга тугри келади. Бу холда улчамнинг тасодифий хатоликлардан ташкари мунтазам хатоликлар ҳам булади. Бундай улчам хатоликлари тенгмас узокликдаги улчамлар дейилади.

Агар тенгмас узокликдаги улчам натижалари $X_1, X_2, \dots, X_n$ булса, уларни тенг узокликдаги ва улчаш аниклиги бир хил булган кисмлар учун урта

кийматлар деб ҳисоблаб, асосий танлов курсаткичларини куйидаги формулалар оркали топиш мумкин:

$$\bar{X} = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^n m_i x_i, \quad (4.1a)$$

$$\bar{S} = \sqrt{\frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n m_i (x_i - \bar{X})^2}, \quad (4.4a)$$

бу ерда $N = \sum_{i=1}^n m_i$, улчамлар учун унинг салмоги тушунчасини куллаб, бу

формулаларни куйидагича ёзамиз:

$$\bar{X} = \frac{w_1 x_1 + w_2 x_2 + \dots + w_n x_n}{w_1 + w_2 + \dots + w_n} = \frac{1}{w} \sum_{i=1}^n w_i x_i, \quad (4.1 б)$$

бу ерда $w = \sum_{i=1}^n w_i$,

$$\bar{S} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n w_i (x_i - \bar{X})^2}{w(n-1)}}, \quad (4.2 б)$$

бу ерда $w_i = \frac{m_i}{S_i^2}$, $S_i^2 = \frac{1}{m_i - 1} \sum_{j=1}^{m_i} (x_{ij} - x_i)^2$, $i = \overline{1, n}, j = \overline{1, m_i}$

$X_{i1}, X_{i2}, \dots, X_{ij}, \dots, X_{imi}$ i -қисмда X_i урта қийматга тенг булган улчам натижалари.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш.

Урта қиймат.

Урта қийматдан фаркланиш.

Дисперсия.

Урта квадратик фаркланиш.

Ихтиерий тартибли моментлар.

Вариация коэффиценти.

Тенгмас узокликдаги натижалар учун статистик курсаткичлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Тажриба маълумотларини дастлабки қайта ишлаш мақсадлари нимадан иборат?
2. Урта қиймат каерларда ишлатилади ва уни ҳисоблаш тартиби?
3. Урта қиймат кандай топилади?
4. Дисперсияни (иккинчи марказий моментни) ҳисоблаш формуласи ва унинг ишлатилиши?
5. Урта квадратик фаркланиш кандай ҳисобланади?
6. Ихтиерий тартибли моментларнинг мохияти нимада ва уларни ҳисоблаш формулалари?
7. Вариация коэффиценти нима мақсадда ишлатилади?

5-маъруза. КУПОЛ ХАТОЛАРНИ САРАЛАШ

Маъруза режаси:

1. Купол хатоларнинг пайдо булиш сабаблари.
2. Максимал нисбий фаркланишни ҳисоблашнинг биринчи усули.
3. Максимал нисбий фаркланишни ҳисоблашнинг иккинчи усули.
4. Стъудент таксимот усули.
5. Купол хатоларни саралашни амалий мисолда бажариш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Дастлабки тажриба маълумотлари, одатда, сифатига кура бир жинсли булмайдилар. Тажриба маълумотларини ялпи улчашда йул куйилиши мумкин булган кичик хатоликлар билан бир каторда, купинча кузатувчининг эътиборсизлиги, улчов асбобларининг носозлиги, ЭХМга нотугри киритилиши ва бошқалар натижасида купол хатоларга йул куйилади. Шунинг учун маълумотлар сифатини тахлил килмасдан, чегарадан четга чикувчи миқдорларнинг кейинги кайта ишлаш натижаларига таъсирини камайтириш еки уларни умуман олиб ташламасдан иш олиб борилса, урганилаётган объект еки ходиса тугрисида сохта хулосаларга келиш мумкин.

Купол хатоларни саралашнинг ҳар хил усуллари бор. Шулардан энг оддийлари билан танишамиз. Агар тажриба туплам натижалари катта булмаса ($n \leq 25$), унда **максимал нисбий фаркланишни** ҳисоблаш усулидан фойдаланиш мумкин.

$$|X_i - \bar{X}| / \bar{S} \leq \tau_{1-p}, \quad (5.1)$$

бу ерда X_i – тупламининг чекка (энг катта ёки энг кичик) элементи, бу элементга нисбатан $\bar{X}$ ва $\bar{S}$ лар ҳисобланади.

$\tau_{1-p} - \tau$ кийматининг $g=1-p$ ишончлилик эҳтимоллиги билан ҳисобланган жадвал киймати.

Шундай қилиб, гайри табиий кийматни ажратиш учун

$$\tau = |x_i - \bar{x}| / \bar{S}, \quad (5.2)$$

ҳисобланади, кейин у τ_{1-p} жадвал киймат билан таққосланади:

$$\tau \leq \tau_{1-p}, \quad (5.3)$$

Агар бу тенгсизлик бажарилса, урганилаётган кузатиш киймати тупламдан олиб ташланмайди, акс ҳолда, у тупламдан чиқариб ташланади. У, ёки бу кузатиш ёки кузатишлар тупламдан чиқариб ташлангач, эмпирик тақсимотнинг курсаткичлари қайтадан қискарилган туплам учун ҳисобланади.

τ статистика тақсимоти квантиллари $P=0,10$; $P=0,05$; $P=0,025$; $P=0,01$; киймат ёки $1 - P = q = 0,90$; $0,95$; $0,975$; $0,99$ эҳтимоллик ишонч даражаларида услубий қулланманинг 1-иловасида берилган. Амалиётда эса одатда $P=0,05$ киймат даражаси ишлатилади (натижа 95 % ишончлилик эҳтимоллиги билан олинади).

Саралаш жараёнини навбатдаги максимал нисбий фаркланишнинг абсолют киймати бўйича ҳам такрорлаш мумкин, лекин бунда $\bar{X}$ ва $\bar{S}$ ларни янги $n-1$ ҳажм туплам учун олдиндан қайтадан ҳисоблаб чиқариш зарур.

Кичик туплам учун купол хатоларни саралашнинг бошқа усулини
курамиз. Бунинг учун қуйидагини ҳисоблаймиз

$$\tau' = \frac{|x_i - \bar{x}|}{\sqrt{(n-1)/n \cdot \bar{S}}}, \quad (5.4)$$

Хосил булган натижа услубий кулланманинг 2-иловасидан (n ва 1- P га мос килиб) олинган мезон киймати билан таккосланади. (5.4) формулага (5.2) формула билан таккослаб, $1/\sqrt{(n-1)/n}$ аникловчи коэффициент киритилган.

Купол хатоларни саралашни катта туплам учун ҳам олиб бориш мумкин. Амалий максадларда купрок **Стьюдент таксимоти жадвали**дан фойдаланиш мумкин. Стьюдент таксимоти нормал таксимот билан боглик булган таксимотлар гурухига киради.

Маълумки, τ_p (P-нормаллаштирилган танлов фаркланишининг фоиз нуктаси) - Стьюдент таксимотининг мезон нукталари $\tau_{p,n-2}$ оркали ифодаланади.

$$\tau_{(p,n)} = \frac{t_{(p,n-2)} \sqrt{n-1}}{\sqrt{n-2 + (t_{(p,n-2)})^2}}, \quad (5.5)$$

Шуни ҳисобга олиб, катта тупламлар учун улчам купол хатоликларни саралашда қуйидаги жараёни тавсия қилиш мумкин:

1) 4.1-жадвалдан катта фаркланишга эга булган кузатиш танланади:
 $189.00 - 175.66 = 13.34$;

2) (5.2) –формула буйича

$$\tau = |X_i - \bar{X}| / \bar{S} = 13.34 / 5.55 = 2.40, \quad \text{хисобланади.}$$

3) 3-илова буйича Стьюдент t–таксимотининг фоиз нукталари $t_{(p,n-2)}$ топилади:

$$t_{(5\%,54)} = 1.6735; \quad t_{(0.1\%,54)} = 3.2574,$$

4) (5.5) формула буйича тегишли нукталар $\tau_{(5\%,56)} = 1.647$; $\tau_{(0.1\%,56)} = 3.005$ хисобланади.

$\tau = 2.40$ киймат иккита жадвал мезон кийматлари уртасида жойлашган:
 $1.647 < 2.40 < 3.005$. Бундай ҳолда ажратилган курсаткични эҳтиётлик билан тупламдан чиқариш, яхшиси эса буни умуман қилмаслик керак.

Фараз киламиз, 4.1-жадвални кучиришда хакикатдан ҳам купол хатога йул куйилди; масалан, 13-сатрда 189 см урнига 289 см (бундай баландликда инсон одатда булмайди) ёзилди. Бунда $\tau = (289.00 - 175.66) / 5.55 = 113.34 / 5.55 = 20.42$. Нисбий фаркланишнинг олинган киймати сузсиз жадвал мезон кийматидан (Рнинг ихтиёрий сонида) $\tau_{p,n}$ катта, демак, бундай кузатиш купол хато сифатида хисобдан чиқарилиши керак. Юкоридаги мисолдан куришиб турибдики, максимал нисбий фаркланишларни хисоблаш жараенида уни уч гуруҳга булиш мумкин:

$$1) \tau \leq \tau_{(5\%,n)}; 2) \tau_{(5\%,n)} < \tau < \tau_{(0.1\%,n)}; 3) \tau > \tau_{(0.1\%,n)},$$

Биринчи гуруҳга кирувчи кузатишларни, зинхор хисобдан чиқариш мумкин эмас.

Иккинчи гуруҳ кузатишларини, агар бу жараён фойдасига тажриба утказувчининг бошқа фикрлари ҳам булса (масалан, урганилаётган ходисанинг физик, химик ва бошқа хусусиятларини урганиш натижасида килинган хулосалар), саралаш мумкин.

Учинчи гуруҳ кузатишларида эса ҳамма вақт шубхали элементларни тупламдан чиқариш керак.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Купол хатолар.

Максимал нисбий фаркланиш.

Жадвал киймат.

Эмпирик таксимот курсаткичлари.

Кискартирилган туплам.

Урта киймат .

Урта квадратик фаркланиш.

Мезон киймат.

Стъюдент таксимот жадвали.

Стъюдент таксимоти мезон нукталари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Купол хатолар кандай пайдо булади?
2. Тажриба туплами 25 дан кичик булган холларда купол хатолар кандай усуллар билан аникланади?
3. Максимал нисбий фаркланиш усулининг мохияти нимада?
4. Кичик тупламлар учун купол хатони аниклашнинг жадвал киймати билан таккослаш усулининг мохияти нимада?
5. Катта тупламлар учун купол хатони саралашнинг Стъюдент таксимот жадвалидан фойдаланиш тартиби кандай?

6 – маъруза. ТАКСИМОТ НОРМАЛЛИГИ БАШОРАТИНИ ТЕКШИРИШ

Маъруза режаси.

1. Таксимот нормаллигини урта абсолют фаркни хисоблаб аниклаш усули.
2. Вариация фаркланиши усули.
3. Ассимметрия ва эксцесс усули.
4. Стандарт нормал таксимот усули.
5. Колмагоров-Смирнов мезони усули.
6. Усулларни танлаш мезонлари.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Унча катта булмаган ($n < 120$) танлама тупламлар учун таксимот нормаллигини текширишда куйидаги оддий тавсиялар берилади. Бунинг учун куйидаги формула буйича урта абсолют фаркни (УАФ) хисоблаш керак:

$$УАФ = \sum |x_i - \bar{x}| / n, \quad (6.1)$$

Такрибан нормал таксимотга эга булган туплам учун куйидаги ифода тугриkdir:

$$|УАФ / \bar{S} - 0,7979| < 0,4 / \sqrt{n}, \quad (6.2)$$

4.1-жадвал кийматларига кура

$$УАФ = \sum |x_i - \bar{X}| / 4 = 247 / 56 = 4,41,$$

Бу кийматларни (6.2) га куямиз:

$$|4,41/5,55 - 0,7979| < 0,4/\sqrt{56}; 0,0032 < 0,0535,$$

Демак, 1.1-жадвал танлама туплам маълумотларининг нормаллиги тугрисидаги башорат тасдикланади.

УАФ дан фойдаланиб, шунингдек 95% ишончлилик эхтимоллиги билан μ ни $\bar{X} : \mu = \bar{x} \pm 0,35 \cdot 4,41$ буйича баҳолаш мумкин, 0,35 коэффициент $n=56$ ва $p=0,95$ кийматларда 4-илова жадвалдан олинади.

Шундай қилиб, қурилган мисолда $\mu = 175,66 \pm 1,54(\text{см})$. Бу маълумотга кура катта тупламда йигирма ёшлик йигитларнинг уртача ёши 174,12 дан 177,20 см гача булади.

Танлама туплам элементлари $3 < n < 1000$ булган ҳол учун таксимот нормаллигини R вариация фаркланишидан фойдаланиб, нисбатан тез текшириш усули билан бажариш мумкин.

Бунда R/S нисбати ҳисобланади ва бу нисбат илова 5 да келтирилган критик юкори ва қуйи чегаралари билан таккосланади.

Агар R/S қуйи чегарадан кичик ёки юкори чегарадан катта булса, нормал таксимот йук. Айниқса бу шарт $P=0,10$ (10% аҳамият даражаси)да бажарилиши муҳимдир. Қурилган мисолда $R/S = 23/5,55 = 4,144$. $N = 56$ ва $P=0,10$ курсатилган жадвал буйича юкори ва қуйи чегара мос равишда 4,03 ва 5,23 га, яъни $4,03 < 4,144 < 5,23$ га тенг. Демак, таксимотнинг нормаллиги бу мезон буйича ҳам тасдикланади.

2) Хисобланган « $\bar{X}$ » кийматларига мос келувчи « Y » функция кийматларини (Y^*) аниқлаймиз. Агар хисобланган $\bar{X}$ киймат берилган X кийматларининг бирортаси билан тенг тушса, шунга мос келувчи берилган киймат Y^* булади. Агар хисобланган $\bar{X}$ киймат таксимот кийматлари билан мос тушмаса, унда бу $\bar{X}$ ётган оралик нукталар (i ва $i+1$) аникланади: $X_i < \bar{X} < X_{i+1}$ ва Y^* интерполяция формуласи оркали топилади:

$$Y^* = Y_i + \frac{Y_i - Y_{i-1}}{X_i - X_{i-1}} (\bar{X} - X_i),$$

Y^* нинг мос равишда Y^* арифметик, Y^* геометрик, Y^* гармоник кийматлари аникланади.

1) Куийдаги фаркланишлар хисобланади:

$$\Delta_1 = |Y_{ap}^* - \bar{Y}_{ap}|, \quad \Delta_4 = |Y_{zap}^* - \bar{Y}_{ap}|,$$

$$\Delta_2 = |Y_{zao}^* - \bar{Y}_{zao}|, \quad \Delta_5 = |Y_{ap}^* - \bar{Y}_{zap}|,$$

$$\Delta_3 = |Y_{ap}^* - \bar{Y}_{zao}|, \quad \Delta_6 = |Y_{zap}^* - \bar{Y}_{zap}|, \quad \Delta_7 = |Y_{zao}^* - \bar{Y}_{ap}|$$

2) Хар бир Δ_k ($k=1,2,\dots,7$) маълум бир богликлик функциясига мос келади:

$$\Delta_1 \rightarrow y = ax + b, \quad \Delta_4 \rightarrow y = \frac{a}{x} + b,$$

$$\Delta_2 \rightarrow y = ax^b, \quad \Delta_5 \rightarrow y = \frac{1}{ax + b}, \quad \Delta_7 \rightarrow y = algx + b,$$

$$\Delta_3 \rightarrow y = ab^x, \quad \Delta_6 \rightarrow y = \frac{x}{ax + b},$$

Хисоблаб топилган Δ_k лардан энг кичиги аникланади. Энг кичик киймат қайси богликликка мос келса, шу богликлик тажриба натижалари таксимоти каторини ифодаловчи регрессия тенгламаси булади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Тажриба натижаларининг графиги.

График гурухлари.

Тугри чизик функцияси.

Даражали функция.

Курсаткичли функция.

Гиперболик функция.

Рационал функция.

Логарифмик функция.

Эмпирик богликлик функциялари.

Богликликни танлашнинг интерполяция усули.

Интерполяция формуласи.

Оралик нукталарни хисоблаш.

Абсолют фаркланишлар.

Регрессия тенгламалари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тажриба натижалари графикда кандай тасвирланади?
2. Кандай график гурухлари мавжуд?
3. Эмпирик боғликлик функцияларининг кандай турлари бор?
4. Боғликлик турини танлашнинг интерполяция усули кандай боскичлардан иборат?
5. Интерполяция формуласи қурилиши кандай?
6. Оралик нуқталари кандай тартибда ҳисобланади?
7. Оралик X қийматга мос келувчи Y функция қиймати кандай ҳисобланади?
8. Неча хил фаркланишлар формуласи бор, уларнинг қурилиши?
9. Регрессия тенгламаси кандай танланади?

11 - маъруза. ЖУФТ КОРРЕЛЯЦИЯ КОЭФФИЦИЕНТИ ВА КОРРЕЛЯЦИЯ НИСБАТИ.

Маъруза режаси:

1. X ва Y курсаткичлар уртасидаги боғлиқлик тушунчаси.
2. Корреляция нисбатининг моҳияти.
3. Корреляция коэффициентининг моҳияти.
4. Корреляция нисбати ва коэффициенти уртасидаги фарқ.
5. Корреляция коэффициентини баҳолаш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Боғлиқлик тенгламалари X ва Y курсаткичлар уртасидаги боғлиқликни математик нуқтаи назардан қўқ қам аниқликда ифодалайди, лекин улар курсаткичлар боғлиқлиги зичлигини ифодалай олмайдилар. Тугри, « b » параметр, маълум маънода, X ва Y уртасида муносабат урнатувчи бўлиб хизмат қилади. Лекин, у абсолют миқдорларда ифодаланади, шунинг учун уни шунга ухшаш курсаткичлар билан бошқа белгиларига қўқ, бошқа тенгламаларда таққослаш учун ишлатиб бўлмайди.

Боғлиқлик зичлигини баҳолаш учун нисбий курсаткич қерак. Бундай курсаткич бўлиб корреляция нисбати хизмат қилади.

Y ва X курсаткичларнинг боғлиқлигини корреляция нисбати белгилайди
Фактор дисперсиясининг умумий дисперсияга нисбати детерминация индекси

дейилади. Бу курсаткичдан илдиз чиқарилса, ҳосил бўлган микдор корреляция индекси еки корреляция нисбати дейилади:

$$\eta = \sqrt{\frac{S_{\bar{Y}X}^2}{S_Y^2}}, \quad \text{бу ерда } S_{\bar{Y}X}^2 = \frac{\sum (\bar{Y}_i - \bar{Y})^2 \cdot n_i}{n_i}, \quad S_Y^2 = \frac{\sum (\bar{Y}_i - \bar{Y})^2}{n},$$

Корреляция нисбати 0 дан (боғлиқлик йук) 1 гача (функционал боғлиқлик) кийматлар қабул қилади. Боғлиқлик йуналиши (мусбат еки манфий) мазмунли таҳлил асосида урнатилади. Корреляция нисбатини ихтиерий шаклдаги боғлиқлик зичлигини улчаш учун куллаш мумкин.

Чизикли боғлиқлик зичлигини улчашда учун, мохиятига кура, корреляция нисбати билан бир хил, лекин шакли ҳар хил бўлган корреляция коэффиценти ишлатилади. Корреляция коэффиценти куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$r = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}}, \quad (11.1)$$

бу ерда $X_i, Y_i (i=1, 2, \dots, n)$ таксимот катори кийматлари.

$\bar{X}, \bar{Y}$ - урта арифметик кийматлар:

$$\bar{X}_i = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}; \quad \bar{Y}_i = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n},$$

Чизикли корреляция коэффиценти корреляция нисбатининг хусусий ҳолидир.

Корреляция коэффицентининг киймати ҳам корреляция нисбати каби -1 ва $+1$ чегарада бўлиши мумкин. Коэффициент ишораси курсаткичлар уртасида боғлиқликни тавсифлайди: « X » усиши (камайтиши) билан « Y » усса (камайтса), боғлиқлик мусбат; « X » усиши (камайтиши) билан « Y » камайтса (усса), боғлиқлик манфий.

Корреляция коэффиценти киймати канчалик $|1|$ га яқин бўлса, X ва Y уртасида кучли чизикли боғлиқлик бўлади; r нинг 0 га яқинлиги эса, X ва Y уртасида кучсиз чизикли боғлиқликни борлигини билдиради. $R=0$ бўлса, X ва Y уртасида чизикли боғлиқлик йук, лекин чизиклимас корреляцияли боғлиқлик бўлиши мумкин.

Ишчиларнинг меҳнат стажи ва соатбай иш ҳақи тугрисидаги масалада бу микдорлар ҳисобланганда $\eta = 0,876$ ва $r = 0,833$ булди. Бу кийматлар

урганилаётган курсаткичлар уртасидаги кучли богликликка борлигига гувоҳлик беради.

Корреляция нисбати ва чизикли корреляция коэффиценти квадратлари мос равишда 0,767 ва 0,779 га тенг. Бу соатбай иш хакига таъсир килувчи факторларнинг умумий йигиндисиди иш стажининг салмоғи 76,7 ва 77,9 % ни ташкил килишини билдиради.

Корреляция коэффиценти корреляцияли таҳлил учун энг салмоқли факторларни танлаб олишга имкон беради. Агар r микдор кичик булса, богликлик тенгламаси параметрларига катта эътибор беришнинг маъноси йук. Ва, аксинча, r нинг катта киймати (0,7 – 0,8 дан каттаси) богликлик тенгламасини урганиш ва амалий мақсадлар учун ишлатиш имконияти борлигини билдиради.

η ердамида ихтиерий курунишдаги богликлик улчанади, r ердамида эса факат тугри чизикли богликлик аникланади. Тугри чизикли богликликда r ва η ларнинг кийматлари мос тушади. Кийматларнинг мос келмаслиги урганилаётган факторлар уртасидаги богликлик чизиклимас эканлигини билдиради.

Ишчиларнинг меҳнат стажи ва соатбай иш хаки масаласида η ва r ларнинг кийматлари озгина булса ҳам бир-биридан фарк килади. Бу ишлаб чиқариш стажи ва сотабай иш хаки уртасидаги богликлик абсолют тугри чизикли эмаслигини билдиради.

η ва r кийматларнинг мос келмаслиги богликлик шаклини баҳолаш учун ишлатилади. Агар курсаткичлар уртасидаги фарк 0,1 дан ошмаса, корреляцияли богликликнинг тугри чизикли эканлиги хакидаги башоратни тасдиқланган, деб хисоблаш мумкин.

Агар фарк 0,1 дан катта булса, богликлик курунишини уйлаб куриш керак.

Корреляция коэффиценти нолдан фарк килишининг (яъни унинг тасодифий эмаслигини баҳолаш учун) асосий шarti:

$$|r| > 3 \cdot Sr, \quad (11.2)$$

$$Sr = \sqrt{\frac{1-r^2}{n-2}}, \quad (11.3)$$

Бу ерда Sr - корреляция коэффициентини хатоси.

r – корреляция коэффициентининг ҳаққоний мавжудлиги, α - аҳамият даражаси ва $(n-2)$ озод даражалар сонига боғлиқ.

Агар $r \geq r_{min}$ булса, икки курсаткич уртасидаги боғлиқликни ҳаққоний деб ҳисоблаш мумкин.

r_{min} – корреляция коэффициентининг, α аниқлик билан абсолют минимал, жадвал кийматлари:

$n - 2$	$\alpha = 0,05$	$\alpha = 0,01$
3	0,88	0,86
8	0,63	0,76
13	0,51	0,64
18	0,44	0,56

ТАҲНИЧ ИБОРАЛАР

X ва Y курсаткичлар уртасидаги боғлиқликлар.

Детерминация индекси, корреляция индекси.

Корреляция нисбати.

Корреляция коэффициентини.

Корреляция нисбати ва коэффициентини уртасидаги фарқ.

Корреляция коэффициентини, нисбатининг кийматлари.

Корреляция коэффициентини баҳолаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. X ва Y курсаткичлар уртасида қандай боғлиқликлар бўлади?
2. Корреляция нисбати қандай вазифани бажаради?
3. Корреляция коэффициентини нима учун ишлатилади?
4. Корреляция нисбати ва коэффициентини уртасида қандай фарқ бор?
5. Корреляция коэффициентини ва нисбати қандай кийматлар қабул қилади, бу кийматларнинг тахлили?
6. Корреляция коэффициентини қайси формулалар билан баҳоланади?

12 - маъруза. ЭНГ КИЧИК КВАДРАТЛАР УСУЛИ.

Маъруза режаси:

1. Энг кичик квадратлар усулининг мохияти.
2. a ва b коэффициентларни ҳисоблаш формуласини келтириб чиқариш.
3. Чизиклимас богликликларни чизикли богликликка айлантириш.
4. Чизикли регрессия тенгламасининг a ва b коэффициентларини топиш.
5. Даражали регрессия тенгламасининг a ва b коэффициентларини топиш.
6. Курсаткичли регрессия тенгламасининг a ва b коэффициентларини топиш.
7. Гиперболик регрессия тенгламасининг a ва b коэффициентларини топиш.
8. Рационал регрессия тенгламаларининг a ва b коэффициентларини топиш.
9. Логарифмик регрессия тенгламасининг a ва b коэффициентларини топиш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Тажриба натижалари кийматлари билан ҳисоблаб топилган кийматлар орасидаги фарқлар квадратларининг йигиндиси қайси эгри чизик тури учун жуда кичик сон бўлса, шу эгри чизик ҳосил бўлган тажриба кийматларини энг яхши силликлайди, яъни у шу жараенни энг яхши ифодалайди, деб ҳисоблаш энг кичик квадратлар усулининг мохиятини ташкил қилади. Унинг формуласи:

$$\varepsilon = \sum_{i=1}^n [y_i - y_{ixx}]^2 \longrightarrow \min, \quad (12.1.)$$

Бу ерда $y_{ixx} = f(a, b, x)$ - эмпирик эгри чизикни аниқловчи богликлик тури, ε - мусбат сон, шунинг учун унинг ҳеч бўлмаганда битта минимум киймати

булиши керак. Математик анализ курсидан маълумки, минимум мавжуд булишининг зарурий шarti куйидаги муносабатларнинг бажарилишидир:

$$\frac{\partial \varepsilon}{\partial a} = 0; \quad \frac{\partial \varepsilon}{\partial b} = 0$$

$y = ax + b$ чизикли функциянинг a ва b параметрларининг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб топамиз:

$$y_{ixu} = ax_i + b, \quad (12.2)$$

(12.2.) – кийматни (12.1) га этиб куямиз:

$$\varepsilon = \sum [y_i - (ax_i + b)]^2 \longrightarrow \min, \quad (12.3)$$

Бу ерда: y_i – берилган кийматлар,

$ax_i + b$ ифода билан y нинг кийматлари хисобланади.

Бир неча узгарувчили функция экстремумини топишнинг зарурий шартидан фойдаланиб, куйидагини хосил киламиз:

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial a} \sum_{i=1}^n (y_i - ax_i - b)^2 = 0 \\ \frac{\partial}{\partial b} \sum_{i=1}^n (y_i - ax_i - b)^2 = 0 \end{cases},$$

еки

$$\begin{cases} \sum_{i=1}^n 2(y_i - ax_i - b)(-x_i) = 0 \\ \sum_{i=1}^n 2(y_i - ax_i - b)(-1) = 0 \end{cases},$$

$$\begin{cases} \sum_{i=1}^n x_i y_i = a \sum_{i=1}^n x_i^2 + b \sum_{i=1}^n x_i \\ \sum_{i=1}^n y_i = a \sum_{i=1}^n x_i + nb \end{cases},$$

бу ерда n - тажрибалар сони.

Икки номаълумли (a ва b) икки чизикли тенгламалар иборат системаси хосил булди. Уни маълум усуллар (Гаусс, урнига куйиш, Крамер усули ва хоказо) билан ечиб, регрессия тенгламси коэффицентлари кийматларини топиш мумкин:

$$a = \frac{n \sum xy - \sum x \cdot \sum y}{n \sum x_i - (\sum x)^2}, \quad b = \frac{\sum y \sum x^2 - \sum xy \sum x}{n \sum x^2 - (\sum x)^2}, \quad (12.4.)$$

Бу формулалар буйича, агар регрессия тенгламаси чизикли булса, $(y = ax + b)$ a ва b параметрларни топиш мумкин, чизиклимас богликликларда энг кичик квадратлар усули кулланилганда хосил булган тенгламалар системаси чизиклимас куринишни олади, уни ечиш эса катта кийинчиликларга боглик булади. Шунинг учун бундай холларда чизиклимас богликликлар чизикли богликликка келтирилади ва шундан кейин регрессия тенгламасининг шакли алмаштирилган коэффициентлари энг кичик квадратлар усули билан топилади.

Куйида чизиклимас богликларни чизиклига келтириш учун тавсия этиладиган шакл алмаштиришлар берилган: тенгламаларнинг хаммаси $z_i = cp_i + d$ куринишда хосил булсин. Бу ерда c ва d узгармаслар келтирилган чизикли богликлик коэффициентлари.

1. Чизикли богликлик.

$$y = ax + b; \quad z = y; \quad p = x; \quad c = a; \quad d = b$$

$$\text{хосил булган формула: } z = cp + d$$

2. Даражали богликлик:

$$y = a \cdot x^b \text{ фукцияни логарифмлаймиз:}$$

$$\ln y = \ln a + b \ln x; \quad z = \ln y; \quad p = \ln x; \quad c = b; \quad d = \ln a \quad \text{еки} \quad b = c;$$

$$a = e^d,$$

$$\text{хосил булган формула: } z = cp + d,$$

3. Курсаткичли богликлик

$$y = a \cdot b^x \text{ функцияни логарифмлаймиз } \ln y = \ln a + x \ln b; \quad z = \ln y; \quad p = x;$$

$$c = \ln b; \quad d = \ln a; \quad \text{ёки} \quad a = e^d; \quad b = e^c$$

$$\text{хосил булган формула: } z = cp + d$$

4. Гиперболик функция

$$y = \frac{a}{x} + b = a \cdot \frac{1}{x} + b; \quad z = y; \quad p = \frac{1}{x}; \quad c = a; \quad d = b$$

хосил булган формула: $z = cp + d$

5. Рационал функция

$$y = \frac{1}{ax+b}; \text{ бунга тескари функцияни езамиз. } \frac{1}{y} = ax+b; \quad z = \frac{1}{y};$$

$$p=x; \quad c=a; \quad d=b$$

хосил булган формула: $z = cp + d$

6. Рационал функция

$$y = \frac{x}{ax+b}; \quad \frac{x}{y} = ax+b; \quad z = \frac{x}{y}; \quad p=x; \quad c=a; \quad d=b$$

хосил булган формула: $z = cp + d$

7. Логарифмик функция

$$y = a \lg x + b; \quad z=y; \quad p = \lg x = \frac{\ln x}{\ln 10} \quad (\text{Паскал тилида стандарт } \lg x$$

функция йук) $c=a; \quad d=b$

хосил булган формула: $z = cp + d$

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Энг кичик квадратлар усули.

Функция минимумини топиш.

Чизикли тенгламалар системасини ечиш.

$y = ax + b$ а ва b параметрларни топиш.

$y = a \cdot x^b$ а ва b параметрларни топиш.

$y = a \cdot b^x$ а ва b параметрларни топиш.

$y = \frac{a}{x} + b = a \cdot \frac{1}{x} + b$ а ва b параметрларни топиш.

$y = \frac{1}{ax+b}$ а ва b параметрларни топиш.

$y = \frac{x}{ax+b}$ а ва b параметрларни топиш.

$y = a \lg x + b$ а ва b параметрларни топиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Энг кичик квадратлар усулининг мохияти нимадан иборат?
2. Чизикли функция учун a ва b коэффициентлар қандай ҳисоблаб топилади?
3. Чизиклимас боғлиқликлар нима учун чизикли боғлиқликка айлантирилади?
4. Даражали регрессия тенгламаси қандай қилиб чизиклига айлантирилади?
5. Курсаткичли регрессия тенгламаси қандай қилиб чизиклига айлантирилади?
6. Гиперболик регрессия тенгламаси қандай қилиб чизиклига айлантирилади?
7. Рационал регрессия тенгламаси қандай қилиб чизиклига айлантирилади?
8. Логарифмик регрессия тенгламаси қандай қилиб чизиклига айлантирилади?

13 – маъруза. РЕГРЕССИЯ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИНГ ХАККОНИЙЛИГИНИ БАХОЛАШ.

Маъруза режаси:

1. Регрессия тенгламаси коэффицентларининг тахлили.
2. Регрессия тенгламаси хатолигини топиш тартиби.
3. Регрессия тенгламаси коэффицентини бахолаш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Регрессия тенгламаси коэффицентларини (a ва b) куйидагича тахлил килиш мумкин:

a – «X» таъсир этувчи фактор 1 бирликка узгарганда «Y» натижавий курсаткич канчага узгаришини билдиради.

b - параметрни эса хамма вақт хам изохлаб бўлмайди, умуман, бу параметр, маълум маънода, моделда ҳисобга олинмаган факторлар таъсирини ифодалайди, деб ҳисоблашади.

Регрессия тенгламаси эмпирик (ҳисобланган) курсаткичлари уларга мос келувчи ҳақиқий параметрларнинг баҳоси бўлиб ҳисобланади ва тасодифий миқдор бўлгани учун статистик хатоликлар билан биргаликда келади.

Регрессия коэффицентини хатолиги куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$S_{a(b)} = \frac{S_y}{S_x} \sqrt{\frac{1-r^2}{n-2}} \quad (13.1)$$

бу ерда

$S_{a(b)}$ – стандарт хато (а еки b буйича) бахоси;

S_y – Y буйича дисперсия;

S_x - X буйича дисперсия

r – корреляция коэффиценти

n - кузатишлар сони

$$t_a = \frac{a}{S_a} \quad \text{еки} \quad t_b = \frac{b}{S_b}$$

Агар $|t_{a(b)}| > t_{\alpha}^{жс}, n-2$ булса, регрессия тенгламасининг тегишли коэффиценти ахамиятга эга деб хисобланади.

$t_{\alpha}^{жс}, n-2$ - α аниклик билан $n-2$ эркин даражалар сонида Стъудент мезони.

Масалан:

$n-2$	α		
	0,10	0,05	0,01
3	2,35	3,18	5,84
8	1,86	2,31	3,36
13	1,77	2,16	3,0
18	1,73	2,10	2,88

Хосил булган регрессия тенгламаси ва унинг коэффицентилари ижобий баҳолангандан кейин шу тенглама буйича прогноз кийматларини хисоблаб топиш мумкин. Бунинг учун регрессия тенгламасидаги X узгарувчига тадқиқотчини кизиқтирган тегишли кийматлар берилади, а ва b коэффицентлар энг кичик квадратлар усули билан топилди. X нинг а, в коэффицентларининг қийматлари қуйидагича, тенглама буйича хисоблашлар олиб борилиб, тенгламанинг чап кисми - Y киймат аниқланади. Бу натижавий курсаткич -Y нинг X нинг тегишли мос кийматига мос прогноз киймати булиб хисобланади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Регрессия тенгламасининг эмпирик кийматлари.

Регрессия тенгламаси коэффициентлари.

Регрессия тенгламаси хатолиги.

Регрессия тенгламаси коэффициентини баҳолаш.

Коэффициентларни баҳолашнинг Стъудент мезони.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Регрессия тенгламаси коэффициентларининг тахлили кандай?
2. Регрессия тенгламасининг хатолиги кандай топилади?
3. Регрессия тенгламаси коэффициентини баҳолаш кандай олиб борилади?
4. Регрессия тенгламасининг эмпирик кийматлари кандай ҳисобланади?
5. Коэффициентларни баҳолашнинг Стъудент мезонининг моҳияти нимада?

14 – маъруза. ОПТИМАЛ БОГЛИКЛИК ТЕНГЛАМАСИНИ ТАНЛАШ.

Маъруза режаси:

1. Урганилаётган курсаткичлар уртасида богликликни урнатиш.
2. Колдик дисперсиянинг мохияти.
3. Регрессия тенгламасининг тажриба натижаларига мос келиш даражасини Фишер мезони билан баҳолаш.
4. Регрессия тенгламасини аппроксимация хатолиги киймати билан баҳолаш.
5. Богликликнинг оптимал тенгламасини танлаш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Урганилаётган курсаткичлар уртасидаги богликликни факат олинган сонли кийматларга таянган холда урнатиш мумкин эмас. Тахлилни урганилаётган ходисалар мохиятини куриб чиқишдан, уларнинг табиатидан келиб чикувчи богликликни аниқлашдан бошлаш зарур. Шундагина тугри танланган ва тугри кулланилган математик ҳисоблар дастлабки утказилган назарий тахлил ҳулосаларини акс эттириши мумкин. Корреляция коэффицентини куллашда унга иккита урганилаётган курсаткич уртасидаги узаро богликликнинг катъий қонунияти гувоҳи деб қараш мумкин эмас. Корреляцияли богликлик сабаб-оқибат богликлгининг синоними эмас. У факат

икки курсаткич уртасидаги богликликни ёки бири курсаткич иккинчисининг сабаби эканлигини уйлаб куришга мажбур этади.

Тузилган ва ечилган моделларни (регрессия тенгламаларини) тушунтириш ва баҳолаш керак. Тенгламани умумий изохлаш ва баҳолашда энг аввал фактор курсаткич кийматлари буйича ҳосил килинган натижавий кийматларнинг мослиги урнатилади. Изохлаш жараенида тенгламадаги богликлик йуналишининг (b параметр ишораси) мос келиши текширилади.

Агар танланган тенгламанинг тугрилигига ишонч бўлмаса, унда текширишларни мавжуд моделларнинг ҳаммаси билан олиб бориш керак. Кайси моделда назарий даражаларнинг эмпириклардан (модуль буйича еки колдик дисперсия буйича) уртача фаркланиши кичик бўлса, шу модель ҳақиқатга якин деб ҳисобланади.

Колдик дисперсия тажриба натижаларининг ҳосил бўлган тенглама билан ифодалаш аниқлигини тавсифлайди:

$$S_0^2 = \frac{\sum (y_i - y_{x.i.})^2}{n - 2} \quad (7.1)$$

Регрессия тенгламасининг тажриба натижасига мос келишини Фишер мезони (F) асосида олиб бориш мумкин.

$$F = \frac{S_y^2}{S_0^2}$$

$$\text{бу ерда } S_y^2 = \frac{\sum (y_i - \bar{y})^2}{n - 1}; \quad \bar{y} = \frac{\sum y_i}{n}.$$

Агар $F > F_{\alpha}^{\text{жс}}, m_1, m_2$ бўлса, тенглама тажриба натижаларига мос келади дейилади. Бу ерда, $F_{\alpha}^{\text{жс}}, m_1, m_2$ - Фишернинг, α аниқликдан ($\alpha=0,05$ ёки $\alpha=0,01$) $m_1=n-1$ ва $m_2=n-2$ озод даражалар сони билан олинган, жадвал кийматини билдиради. Масалан:

$\alpha = 0,05$ юкори сатр, $\alpha = 0,01$ куйи сатр

K ₂	4	9	14	16	20
3	9,12 28,71				
8		3,63 6,72			
13			2,64 4,05		
15				2,38 3,49	
18					2,19 3,09

Регрессия тенгламасининг хакикатга якинлик даражасини бахолаш учун аппроксимациянинг уртача хатолиги (нисбий хатолик) курсаткичи ишлатилади.

$$\varepsilon_k = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \frac{|Y_i - Y_{i(x_{iiico})}|}{Y_i} \cdot 100, \quad k=1,2,\dots,7$$

Аппроксимация бир микдорларни еки геометрик шакллари бошқалари, оддийлари билан тахминий ифодаланишидир. Масалан, эгри чизиклар узунлигини хисоблашда, эгри чизиклар синик чизиклар билан аппроксимацияланади. Келтирилган формулада хисобланган назарий чизик ординаталарининг хакикий ординаталарига якинлашиш даражаси хисобланади.

Бу хатоликнинг критик даражаси тадқиқотчи томонидан унинг олдига қуйилган масаладан ва мавжуд маълумотлардан келиб чиқади (соатбай иш хаки ва иш стажи масаласида $\varepsilon = 6,5\%$). Хар хил моделлар буйича хисобланган ε ларни таккослашда, қайсиси энг кичик булса, шу модель уртача кам хатоликда жараенни ифодалайди деб хисобланади.

Тадқиқотчи курсаткичлар уртасидаги хамма маълум богликлик қуринишларини текшириб чиқмагунча, тажриба натижалари курсатиш аниқлиги нуктаи назаридан, танланган богликлик тури энг яхши эканлигига ишонч хосил қилмаслиги керак.

Одатда, ҳамма богликлик турлари буйича регрессия тенгламаларининг тажриба натижаларини кандай баҳолаши, тенглама коэффициентларининг ахамиятлилик даражаси аникланади. Шундан кейин нисбий (аппроксимация) хатолиги ҳисобланади. Колдик дисперсия ва нисбий хатоликнинг энг кичик кийматларига эга булган богликликлар энг яхши булиб ҳисобланади. Юқоридаги мезонларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб аникланган регрессия тенгламаси оптимал богликлик формуласи булади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Курсаткичлар уртасида богликлик тури.

Колдик дисперсия.

Фишер мезони.

Аппроксимация хатолиги.

Оптимал тенгламани танлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Урганилаётган курсаткичлар уртасида богликлик кандай урнатилади?
2. Колдик дисперсиянинг моҳияти нимада?
3. Регрессия тенгламасининг тажриба натижаларига мос келиш даражаси Фишер мезони билан кандай баҳоланади?
4. Аппроксимация хатолигининг моҳияти нимада?
5. Богликликнинг оптимал тенгламаси қайси мезонларга қўра танланади?

15-майруза. КУП ФАКТОРЛИ ТУПЛАМЛАР.

Маъруза режаси:

1. Куп факторли богликлик тушунчаси.
2. Туплам корреляцияси мохияти.
3. Туплам богликликларини тахлил килиш тартиби.
4. Регрессия тенгламасини тузишда факторларни танлаш.
5. Максимал факторлар сонини камайтириш боскичлари.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Иктисодий ходисалар бир эмас, балки бир нечта сабаблар таъсирида хосил булади, шунинг учун корреляцияли тахлил амалиетида у, еки бу натижани аникловчи куплаб факторлар билан иш олиб боришга тугри келади. Бундан келиб чикиб, тадқиқотчиларга факат жуфт корреляция коэффиценти билангина эмас, балки бир катор факторларнинг натижавий факторга таъсирини урганувчи туплам корреляцияси билан ҳам иш олиб боришига тугри келади.

Жуфт корреляция коэффицентиға тегишли булган хамма хулоса ва коидалар туплам корреляциясига ҳам тегишлидир. Лекин унда куплаб мазмуний муаммолар мураккаблашади, тахлил математик апаратининг мураккаблиги

сезиларли даражада ошади. Туплам корреляция богликликларини урганиш жараенида тадқиқотчи тукнаш келадиган хусусиятларга тухтаймиз.

Туплам богликликларининг тахлилига утишда, биринчи навбатда объект ва кузатиш бирлигини аниқлаб олиш керак. Хусусан, моделга катор факторларнинг киритилиши кузатиш бирликларининг йириклашувига олиб келиши мумкин.

Масалан, техник-иктисодий богликликларни алохида иктисодий объектлар (агрегатлар, участкалар, цехлар) чегарасида урганиш мумкин, тадқиқотга рентабеллик сингари иктисодий курсаткични киритиш, йирикрок кузатиш бирлигига - камида корхонага - утишни талаб килади. Чунки корхона чегарасида махсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш йили тугалланади, ва демак, рентабеллик намоен булади.

Туплам корреляцияси тахлили вақтида корреляцияли тахлил олдида турган маълум чекланишларнинг бажарилишига, шунингдек бошлангич маълумотларнинг бир хил сифатлилигига, ҳаққонийлигига, таккослаб булишига, тулаллигига эътибор бериш керак. Таҷриба урганилаётган маълумотлар тупламининг сони моделга киритилаётган факторлар сонидан камида 6-7 марта ошиши кераклигини курсатади.

Лекин туплам корреляция тахлилининг асосий мураккаблиги факторлар танлаш ва регрессия тенгламасини тузишдан иборат.

Ҳар тарафлама тахлил қилишдан олдин натижавий ва ҳар бир фактор бўйича X , S , S^2 , V ларни ҳисоблаш тавсия этилади. Микдорий фарқлар ва белгиларнинг вариациясини тавсифловчи бу оддий курсаткичлар мазмуний тахлилнинг ҳам, шунингдек ҳамма корреляцияли тадқиқни ҳам бутунисича малакали қилиб бажаришга имкон беради.

Тадқиқотчи масаланинг қуйилиши ва назарий фикрлардан қелиб чиқиб, мантикий мумкин бўлган богликликларни урнатади ва узаро боглик бўлган курсаткичларнинг максимал соҳасини аниқлайди. Бу доира натижавий белгига таъсир этувчи барча муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар, факторларни уз ичига олади. Лекин моделга амалий жихатдан барча мавжуд белгиларни киритиш

мумкин эмас. Тахлил ва танлаш жараенида уларнинг доираси торайиб боради. Иш сунгида корреляция моделига энг мухим белгиларгина киритилади, иккинчи даражали белгиларни эса тадқиқотчи тадқиқотнинг кейинги босқичларида эътиборга олиши мумкин.

Корреляцияли боғлиқ булган факторларнинг максимал сонидан иборат булган тизимда энг биринчи навбатда олдиндан назарий фикрлаш оркали кам аҳамиятга эга, деб топилган факторлар, иккинчи навбатда, бошлангич маълумотларнинг ҳаққонийлигига етарли даражада ишончли булмаган факторлар, учинчи навбатда, зарурий ахборотнинг йуклиги туфайли микдор жихатдан улчаб булмайдиган белгилар (ер сифати, урмонлар, мол зотлари ва бошқалар) чиқарилади. Учинчи гуруҳ курсаткичлари, зарурият булганда, образларни урганиш усуллари еки уларнинг қийматларига баллар бериш йули билан сифат курсаткичларидан микдор курсаткичларига айлантирилади. Шунингдек системадан такрорланувчи фактор курсаткичларини, яъни тахлил қилинаётган жараеннинг битта хусусиятини акс эттирадиганларини чиқариш керак. Масалан, вақт сарфини ифодалаш учун моделга одам-кунлар еки одам-соат бирлигини киритиш етарли.

Шунингдек, камдан - кам ҳолларни ҳисобга олмасак, бир вақтда жамланган, комплекс факторлар ва уларнинг таркибий қисмларини тизимга қушиш мумкин эмас. Айтайлик, моделга ҳамма вақт йукотишлар белгиси киритилган булса, ҳар бир сабабга кура вақт йукотишларини алоҳида киритишга зарурият йук. Ҳар хил сабаб-оқибат даражаларида булганларида ҳам факторларнинг узига хос такрорланиши учраши мумкин. Масалан, саноат ишлаб чиқариши рентабеллик курсаткичини урганишда, унинг факторларидан бири сифатида маҳсулот таннархи олинган булса, хом-ашеларга булган харажатлар такрорланувчи фактор булади, чунки у рентабелликда таннарх оркали уз аксини топган.

Тизимдаги белгилар ичидан хом-ашега буладиган сарфлар сабаб-оқибат белгилари ичида анча қуйи даражада туради, шунинг учун у бу ерда керак эмас.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Жуфт корреляция коэффиценти

Туплам корреляцияси

Туплам боғлиқликлари

Объект ва кузатиш бирлиги

Кузатиш birlikларининг йириклашуви

Бошланғич маълумотларнинг бир хил сифатлилиги

Маълумотлар тупламининг сони

Туплам корреляцияси тахлили

Факторларни танлаш

Регрессия тенгламаси

Микдорий фарқлар

Курсаткичлар вариацияси

Мантикий боғлиқликлар

Курсаткичларнинг максимал доираси

Энг муҳим ва иккинчи даражали белгилар

Корреляцияли боғлиқликли факторлар

Кам аҳамиятли ва ҳаққонийлигига ишонч бўлмаган факторлар

Улчаб бўлмайдиган белгилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Куп факторли боғлиқлик деганда нима тушунилади?
2. Туплам корреляцияси нимани билдиради?
3. Туплам корреляцияси боғлиқликларини урганишда тадқиқотчи тукнаш келадиган хусусиятлар нима?
4. Маълумотлар туплами сони моделдаги факторлар сонига нисбатан қандай бўлиши керак?
5. Туплам корреляцияси тахлилининг асосий мураккаблиги нимадан иборат?
6. Туплам корреляцияси тахлилида қандай курсаткичлар эътиборга олинади?
7. Математик моделга қандай курсаткичлар киритилади?

8. Факторларнинг сони кандай тартибда камайтиради?

16 – маъруза. ЖУФТ КОРРЕЛЯЦИЯ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ МАТРИЦАСИ

Маъруза режаси.

1. Биринчи тахлилдан колган факторларни тизимдан чиқариш тартиби.
2. Жуфт корреляция коэффициентларини матрицаси тушунчаси.
3. Жуфт корреляция коэффициентлари матрицасини тахлил қилиш.
4. Моделга киритиладиган факторлар учун янги базис ишлаб чиқиш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Тажриба шуни курсатадики, юқоридаги сабабларга кура факторларни тизимдан чиқарган вақтимизда ҳам, тизимда колган узаро боғлиқ факторларнинг сони куплигича қилиши ва уларнинг миқдорини қисқартиришни талаб қилиниши мумкин. Шу мақсадда колган факторларнинг натижавий курсаткича таъсири бор еки йуклиги ва уларнинг ичидан бир-бири билан зич боғланганлари аникланади. Бунинг учун регрессия коэффициентлари, жуфт корреляция коэффициентлари, уларнинг ишончлилиқ мезонлари ҳисобланади ва тахлил қилинади.

Куйилган масалани хал килиш учун, жуфт корреляция коэффициентлари матричасини тузиш мумкин. Матрицада хар бир факторнинг натижавий курсаткичга ва бошка факторларга боғликлик зичлиги курсатилади. Расмиятчиликни камайтириш максадида натижавий курсаткич Y ни X_0 билан, факторларни $X_1, X_2, \dots, X_n$ билан белгилаймиз. Шунда матрица куйидаги курунишга эга булади:

	X_0	X_1	...	X_n
X_0	1	R_{01}	...	R_{0n}
X_1	R_{10}	1	...	R_{1n}
X_2	R_{20}	R_{21}	...	R_{2n}
...	...	...	...	...
X_i	R_{i0}	R_{i1}	...	R_{in}
...	...	...	...	...
X_n	R_{n0}	R_{n1}	...	R_{nn}

Матрица асосий диагоналининг ҳамма элементлари ($r_{00}, r_{11}, \dots, r_{nn}$) бирга тенг, чунки айти белгиларнинг боғликлиги ҳамма вақт функционал, $r_{01} = r_{10}, r_{02} = r_{20}$ ва хоказо, бу тенглик хадлари эса симметрик матрица элементларидир ($r_{ij} = r_{ji}$).

Корреляция матричасида аввал натижавий курсаткич (X_0) ҳамма фактор курсаткичлар ($X_1, X_2, \dots, X_n$) билан таккосланади. Натижавий фактор билан боғликлиги нибатан катта булмаган факторлар кейинги тахлилдан чиқарилади.

Шундан кейин матрицадан юкори боғликлик даражаси билан узаро функционал корреляцияли боғлиқ булган факторлар аникланади ($r_{ij} \geq 0,7 \div 0,8$). Улар коллинеар факторлар деб аталади (мультиколлинеар). Мультиколлинеарлик купинча ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини моделирлашда учрайди. Бундай бир-бири билан асосий ва айланма фондлар, саноат ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари сони ва шунга ухшаш курсаткичлар узаро катта боғликликда булади. Масалан, махсулот ишлаб

чикаришнинг ошиши учун асосий ва айланма фондлар, моддий фондлар ва ишчи кучлари ва х.к.лар уртасида маълум муносабатлар булиши керак, чунки битта ухшаш белгининг узгариши, коида буйича, деярли пропорционал равишда, бошкаси (бошкалари) ни узгартиради. Мультиколлинеарлик мавжудлигида, узаро боглик белгилар тизимидан натижавий курсаткичга таъсири камрок булган коллинеар факторлар чикариб ташланиши керак.

Натижавий курсаткич билан буш богланган, шунингдек такрорланувчи коллинеар факторлардан халос булингач, моделга киритиш учун энг мухим факторлар колади. Бу факторлар мутахассис - экспертларга бахолаш учун тавсия этилади. Колган факторлар доираси амалий жихатдан максадга мувофик, минимал, лекин куйилган масалани ечиш учун етарли булиши керак.

Белгилар тупламини урнатишда катта сондаги факторларнинг тахлили салмокли меҳнат сарфини талаб килади, масалан, уч факторлидан турт факторлига утилганда тахлилга сарфланадиган меҳнат хажми деярли 10 баравар ошади.

Моделга киритиш учун мулжалланган факторларни, имкон кадар, ягона базисга келтириш керак. Ягона базис (улчов бирлиги) ишлаб чикариш факторларини мантикий кушишини таъминлаш учун шароит яратади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Туплам

Тизим

Узаро боғлиқ факторлар

Регрессия коэффиценти

Жуфт корреляция коэффиценти

Ишончилиқ мезони

Жуфт корреляция коэффиценти матрицаси

Факторларнинг боғлиқлик зичлиги

Матрица асосий диагонали элементлари

Симметрик матрица элементлари

Узаро функционал корреляцияли боғлиқ факторлар

Коллинеар (мультиколлинеар) факторлар

Буш боғланган факторлар

Такрорланувчи коллинеар факторлар

Энг муҳим факторлар

Мутахассис эксперт

Ягона базис

Мантикий кушиш учун шароит

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Колган факторларнинг бир-бири ва натижавий фактор билан зичлиги кандай аникланади?
2. Жуфт корреляция коэффицентларини матрицаси кандай вазифани бажаради?
3. Жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси кандай таҳлил қилинади?
4. Коллинеар факторлар кандай факторлар?
5. Энг муҳим факторлар билан кандай иш олиб борилади?

17-маъруза. ТУПЛАМ РЕГРЕССИЯСИ ТЕНГЛАМАСИНИ ТУЗИШ.

Маъруза режаси:

1. Туплам регрессия тенгламасини тузиш учун бажариладиган ишлар тартиби.
2. Куп кадамли регрессияли тахлил.
3. Туплам моделлари курунишлари ва уларнинг тахлили.
4. Туплам моделлари параметрларини топиш.
5. Моделларни тузишни аниқ мисолда бажариб курсатиш.

Адабиётлар:

1. Е.Н.Львовский «Статистические методы построения эмпирических формул», М., 1982.
2. С.А.Айвазян «Статистические исследования зависимостей. Применение методов корреляционного и регрессионного анализа при обработке результатов экспериментов», М., 1968.
3. В.Н.Вапник «Восстановление зависимостей по эмпирическим данным», М., 1979.
4. В.К. Гришин «Статистические методы анализа и планирования экспериментов», М., 1975.

Туплам корреляцияси тахлилининг кейинги босқичи - боғлиқлик модели еки туплам регрессияси тенгламасини тузиш. Бу учун белгилар уртасидаги боғлиқлик структурасини тадқиқ қилиш факторларни математик белгиларда езиш, улар билан бажарилиши мумкин бўлган амаллар руйхатини урнатиш, қабул қилинган шартларни математик тенгламалар курунишида ифодалаш зарур. Моделни унинг етарли даражада оддий ва курғазмалли бўлишидан келиб чиқиб ҳосил қилиш керак.

Туплам регрессия тенгламасини тузишда функция турини танлаш мухим ахамиятга эгадир. Модел математик ечимга эга булиши керак, бунинг учун эса уни маълум функцияларнинг бири сифатида ифодалаш керак. Жуфт корреляциядаги каби, функцияга курсатмани олдинги тажрибаларнинг, эксперт бахоларнинг мантикий тахлилидан, бошлангич эмпирик маълумотларни урганишдан хосил килиш мумкин. Лекин бу ерда ҳамма ишлар мураккаброк булади, чунки маълум даражада кургазмалийлик (масалан, графикли) булмайди, хар хил факторлар натижавий курсаткич билан турли хил боғланган ва х.к. булиши мумкин.

(Агар назарий тахлил ҳам, эмпирик маълумотлар ҳам функция тури тугрисидаги саволга жавоб бермаса, куп кадамли регрессияли тахлил деб аталувчи жараен кулланилиши мумкин. Унга кура тахлил номаълумлари биринчи даражали булган оддий функциядаги бошланади, у ифодаланишнинг хакконийлик даражаси (адекватлик) буйича бахоланади, бахоланиш коникарли булмаса, функция мураккаблаштирилади, тахлил давом эттирилади ва х.к.)

Туплам корреляция боғликликлари жуфт боғликликлари каби, куп холларда, чизикли турдаги еки логарифмлаш билан чизикли турга келтириладиган даражали функция куринишида ифодаланади. Айтилган моделларга куллаш мумкин булган корреляцияли тахлилнинг коникарли услуби ишлаб чикилган. Бу моделлар учун тенгламалар куйидагича:

а) чизикли турдаги модель:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n$$

б) даражали модель:

$$y = a_0x_1^{a_1} + x_{21}^{a_2} \cdot \dots \cdot x_n^n$$

Бу моделлардан биринчиси аддитив (яъни, хар бири натижавий курсаткичга мустакил таъсир этадиган ва шунинг учун йигинди кушилувчиси була оладиган) факторлардан ташкил топади. У аддитив модел булади. Иккинчи модель мультипликатив (натижавий курсаткичга биргаликда таъсир этадиган ва купайтманинг купайтувчилари була оладиган) факторларни уз ичига олади, у мультипликатив модель деб аталади.

Натижавий фактор (Y)нинг икки фактор (X_1 , X_2) га корреляцияли богликлигининг оддий чизикли тенгламасини куйидагича езиш мумкин:

$$\bar{Y}_{x_1x_2} = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$$

Бу тенглама параметрларини энг кичик квадратлар усули билан ҳосил килинган нормал тенгламалар системасидан топамиз:

$$\begin{cases} a_0n + a_1\sum x_1 + a_2\sum x_2 = \sum y \\ a_0\sum x_1 + a_1\sum x_1^2 + a_2\sum x_1x_2 = \sum yx_1, \\ a_0\sum x_2 + a_1\sum x_1x_2 + a_2\sum x_2^2 = \sum yx_2 \end{cases}$$

Бу системани ҳар хил усуллар билан, жумладан, жуфт корреляция коэффициентлари ва урта квадратик фаркланишлар орқали, ечиш мумкин:

$$a_0 = \bar{y} - a_1\bar{x}_1 - a_2\bar{x}_2,$$

$$a_1 = \frac{r_{yx_1} - r_{yx_2} \cdot r_{x_1x_2}}{1 - r_{x_1x_2}^2} \cdot \frac{S_y}{S_{x_1}}$$

$$a_2 = \frac{r_{yx_2} - r_{yx_1} \cdot r_{x_1x_2}}{1 - r_{x_1x_2}^2} \cdot \frac{S_y}{S_{x_2}}$$

Бу формулалардан тегишли параметрларни ҳисоблаймиз ва 10 та ишчининг соатбай иш хаки (Y) ва икки фактор - ишлаб чиқариш стажи (X_1) ҳамда ишчиларнинг ёши (X_2) уртасидаги туплам корреляцияли богликлик тенгламасини тузамиз. Масаланинг олдинги баёнлари ишчиларнинг ёши тугрисидаги қушимча маълумот билан бойитилади. Формулалардан қурииб турибдики, a_0 , a_1 , a_2 параметрларни ҳисоблаш учун жуфт корреляция коэффициентларини, урта ва урта квадратик фаркланишларни топиш керак.

Аввал, тегишли урта ва урта квадратик фаркланишлар учта жуфт корреляция коэффициенти ҳисобланади.

1. r_{yx1} - жуфт корреляция коэффициенти бошлангич маълумотлар билан олдин ҳисобланган эди. Натижаларни қучириб езамиз:

$$\begin{aligned} \bar{x} &= 12,8 \text{ (} \varepsilon \text{);} & \bar{y} &= 0,88 \text{ (нул бир);} & \delta_{x1} &= 7,57 \text{ (} \varepsilon \text{)} \\ \delta_y &= 0,136 \text{ (нул бир);} & r_{yx1} &= 0,883 \end{aligned}$$

$$2. \quad x_2 = \frac{\sum x_2}{n} = \frac{312}{10} = 31,2 \quad (z),$$

$$y_{x_2} = \frac{\sum yx_2}{n} = \frac{284,03}{10} \approx 28,40,$$

$$\delta_{x_2} = \sqrt{\frac{\sum x_2^2}{n} - \bar{x}_2^2} = \sqrt{\frac{10532}{10} - (31,2)^2} = \sqrt{79,76} \approx 8,93 \quad (z)$$

